

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИНИНГ СИНЕРГЕТИК ТАҲЛИЛИ

Тажибаев Мухиддин Абдурашидович

Жиззах политехника институти

“Ижтимоий фанлар” кафедраси

ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада давлат бошқаруви фаолиятининг ўз-ўзини ташкил этиш хусусиятлари синергетик ёндашув асосида таҳлил этилган. “инсон – жамият – давлат” ва синергетик ёндашув қиёсий таҳлил этилиб, ўз-ўзини ташкил этиш тушунчаси тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: Ҳаракатлар стратегияси, Тараққиёт стратегияси, “инсон – жамият – давлат”, синергетика, ўз-ўзини ташкиллаш- тириш, синергетик тамойиллар, синергетик ёндашув.

SYNERGISTIC ANALYSIS OF THE NEW UZBEKISTAN DEVELOPMENT STRATEGY

Jizzakh polytechnic institute,

"Social Department of Sciences "

associate professor etc. (PhD)

Tajibayev Muxiddin Abdurashidovich

Abstract: made of Darkness is a synergistic data exchange between characters. The concept of "man-community-state" and synergetic mutual understanding are expressed in the fact .

Keywords: society, reforms, values, universal values, national values.

Мамлакатимизни 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича [Ҳаракатлар стратегияси](#) доирасида ўтган давр

мобайнида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислоҳ этишга қаратилган 300 га яқин қонун, 4 мингдан зиёд Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари қабул қилинди.

Шунингдек, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, давлат органларининг ҳисобдорлиги ва очиқлигини кучайтириш ҳамда фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларининг роли, аҳоли ва жамоат бирлашмаларининг сиёсий фаоллигини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди.

Миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш борасида ташқи савдо, солиқ ва молия сиёсатини либераллаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни ташкил этиш ҳамда ҳудудларни жадал ривожлантиришни таъминлаш бўйича таъсирчан чоралар кўрилди.

Фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва камбағалликни қисқартириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланиб, аҳолини янги иш ўринлари ва кафолатли даромад манбаи, малакали тиббий ва таълим хизматлари, муносиб яшаш шароитлари билан таъминлаш сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Сўнгги беш йиллик ислохотларнинг натижасида мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асослари яратилди.

Жаҳон миқёсидаги мураккаб жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда кейинги йилларда «Инсон қадри учун» тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилаш мақсадида:

Кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида «Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган қуйидаги етти устувор йўналишдан иборат 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тасдиқланди:

инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш;

мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш;

миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш;

адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш;

маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш;

миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш;

мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очиқ, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш.¹

“Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси”да “Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” тамойили илгари сурилган. Бинобарин, Ҳаракатлар стратегиясидаги ҳар бир йўналишни тараққиётнинг янги босқичида мантиқий, кенг кўламли ва изчил асосда ривожлантириш ҳамда янги устувор йўналишларда муҳим натижаларга эришиш кўзда тутилмоқда.²

“Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси”да йиллар давомида амал қилиб келган **“давлат – жамият – инсон”** тамойили **“инсон – жамият – давлат”** тамойилига ўзгартирилмоқда. Янада содда қилиб айтганда, Ўзбекистонда ҳар бир фуқаронинг қадрини юксалтириш ва фаровонлигини

¹ <https://lex.uz/docs/5841063>. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон.

² https://parliament.gov.uz/uz/events/opinion/36981/?sphrase_id=7923565. **Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси – инсон қадрини улуғлаган халқчил бош дастур. А.Саидов.**

ошириш зарурлигига урғу берилмоқда.³

Шунингдек, 2022 йилни “Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” деб эълон қилиниши бу йўналишдаги ишларни янада фаоллаштиришни тақозо этади.

Маълумки, **“инсон – жамият – давлат”** тизими бир неча йўналишларда амалга оширилиб, ўзига хос ёндашувларни талаб этувчи мураккаб жараён ҳисобланади. Бундай мураккаб жараёнларни чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш эндиликда ноанъанавий методологик концепциялар, масалага ўзгача ёндашиш тамойилларини кашф этиш заруратини тақозо этмоқда. Муаммоларни бартараф этишга янги илм соҳаси сифатидаги синергетик ёндашув принциплари бу жараёнларни тадқиқ этишда муҳим аҳамият касб этиб, унинг методологик имкониятларидан (очик тизим, ўз-ўзини ташкиллаштириш, ўз-ўзини бошқариш, аттрактор, нозиклилик, флуктуация, бифуркация, тартиб ва хаос, фрактал, кўп вариантлик, муқобиллик) кенг фойдаланиш заруратини юзага келтирмоқда.

Синергетика тушунчаси (юнонча “synergetikos” – “ҳамкорлик”, “ҳамдўстлик”, “биргаликда ҳаракат”) маъноларини англатади [1]. Г. Хакен ўзининг “Синергетика” номли китобида бу терминни маъносининг икки жиҳатини ажратиб кўрсатади. Биринчидан, бириктишга, кооператив ҳаракат қилишга интилаётган элементларнинг ўзаро ҳамкорлиги, биргаликда ҳаракат қилиш натижасида ўз-ўзини ташкиллаштириб бир бутун тизимнинг вужудга келиши, иккинчидан, турли фан соҳаларида фаолият юритувчи олимларнинг ҳамкорлиги, биргаликдаги фаолияти тушунилади [2]. Ушбу тадқиқот ишида ҳар иккала ёндашув принципларига асосланиб иш кўрилади.

Б. Тўраевнинг жамоавий монографиясида синергетика тушунчасига мураккаб система сифатида қаралиб, унга қуйидагича таъриф беради. Синергетика – мураккаблик, мураккаб системаларнинг ҳамкорликдаги

³ https://parliament.gov.uz/uz/events/opinion/36981/?sphrase_id=7923565.

ўзини – ўзи ривожлантириши ҳақидаги фан [3]. Шунингдек, муаллифлар “мураккаблик” тушунчасини изоҳлаб, мураккабликнинг мураккаблиги унинг кўп компонентли эканлигида ва ундаги алоқадорликларнинг кўп тармоққа тармоқланиб кетганлигидадир деб таъкидлайди.

Синергетиканинг энг муҳим жиҳати шундаки, у ўз-ўзини бошқарувчи тизимларда фаолият кўрсатаётган тадқиқотчи-олимлар ишларини маълум бир йўналишда бирлаштиришга хизмат қилишидир. Ёки бошқача айтганда синергетика мураккаб тизимларни, ўзини-ўзи ташкил этиш ҳодисаларини ўрганаётган билим соҳаларига тааллуқли бўлган, универсал методологик парадигма бўлиб, ўрганилаётган предмет ва объектга ягона фанлараро ёндашувни намоён қилади.

Адабиётлар:

1. Пригожин И., Стенгерс И. Порядок из хаоса. М., 1986. См. также Пригожин И. Конец определенности. Время, хаос и новые законы природы. Ижевск, 1999.
2. Хакен Г. Синергетика. М., 1980. С.7.
3. Хакен Г. Можем ли мы применять синергетику в науках о человеке?//Синергетика и психология. Вып. 2. "Социальные процессы". М., 2000. С.12.
4. Назаретян А.П. От будущего - к прошлому (Размышление о методе) // Общественные науки и современность. 2000, №3. С.148.
5. Концепции современного естествознанияч / Ред. В.Н.Лавриненко, В.П.Ратников. М., 1977. С.8.
6. Тажибаев, М. (2025). Давлат бошқаруви тизимида сунъий интеллектдан имкониятларидан самарали фойдаланиш. Iqtidor & Intelлект, 1(1), 39-41.
7. Tajibayev, M. A. (2024). Sinergetikaning o ‘zo ‘zini tashkillashtirish nazariyasi sifatidagi o ‘ziga xosligi.
8. Tajibayev, M. A., & o‘g‘li Normo‘minov, T. Q. (2024). SINERGETIK DUNYOQARASH PARADIGMASINING FALSAFIY ASOSLARI.

9. Tajibayev, M. A. (2024). A DEEP ANALYSIS OF THE PROCESS OF IMPROVING THE VALUE SYSTEM OF OUR SOCIETY. Экономика и социум, (9 (124)), 320-323.